

ШОҲИДА БАҲРОНОВА

Эзгулик

ШЕРЛАР

19 16

"Ворис" нашриёти
Тошкент - 2007 йил

84(55)6-5

Ёш ҳаваскор қаламкашнинг ушбу мўъжаз тўпламига унинг эзгулик ва тўғриликни улуғловчи инсоний қадр-қимматни меҳр-мурувватни куйловчи самимий сатрлардан иборат машқлари киритилди. Улар сизнинг қалбингизга ҳам яхшилик уруғларини кўпайтиради-деб ишонамиз.

© Ш. Баҳронова,
«Ворис» нашриёти,
2007

20 07
A 1644 Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston Mif

10 33273
D 91

Устоз

Ерда барча ўт-ўлан,
Қуёш билан яшнайди.
Қуёш нур берса, Устоз -
Билим бериб яшайди.

Усиз күз ожиз гүё,
Усиз ҳаёт зулматдир.
Унинг ҳар сўзи - зиё,
Ҳар бир иши ибратдир.

У - отадек улув зот,
У - онадек меҳрибон.
У - дўст каби қўш қанот,
Қариндошдек қадрдон.

Кўнгилларни ёритар,
Унинг меҳр қуёши.
У шундай зот, оламда
Топилмагай қиёси.



Барча меҳмон

Бу дунёда барча меҳмон,
Шоҳу гадо ўтар бир кун.
Доно кетар, кетар нодон,
Битта жойга ётар бир кун.

Шундай экан, кибр нечун,
Нега ердан оёқ уздинг?
Самоларда сайд эттан ҳам
Ер бағрига қайтар бир кун.

Ватан

Бобур ҳижронингда қонлар юттани ростдир,
Фурқат фироғингда фигон эттани ростдир,
Широқ сенинг учун жондан кечгани ростдир,
Сендан суюк макон топилмас, Ватан!



Илинж

Балки устун келиб гууруим,
Огригдим мен дүстимнинг дилин.
Сүролмадим бир бора узр,
Бормади-ку шунга ҳам тилим.

Сен - мен каби эмас тошбагир,
Ахволимни тушунгандирсан.
Мени дүстим дегандинг ахир,
Сен дүстингни кечиргандирсан.

Оддий ўтит

Дилинг ила тилинг тенг тут,
Күнглинг ила қўйнинг кенг тут.
Росттўй бўл, ёлронни унут,
Ёлрондан афзалдир сукут.

Доимо ҳақни ёқлагин,
Сирни имондай сақлагин.
Онанг оқ сутин оқлагин,
Пок бўлгил бамисли оқ сут.



Софиндим

Софиндим мен сени, софиндим тўлиб,
Хаёлим ўзингда, фақат ўзингда.
Кўзларим нигорон, интизор бўлиб
Ҳамон нигоҳларим сенинг йўлингда...

Сени бедор бўлиб кутаман ҳар дам,
Келмасант қалб йиғлар, кўнгил бўлар кам.
Кўринсант севинчдан чекинади ғам
Кўзларимга гўзал туюлар олам.

Сен борсан, ҳаётим нурли, чароғон
Сенدادур иқболим баҳтим ҳар қачон.
Сенсиз юксаклар ҳам зиндоңдир гўё
Ёрқин қуёшиз қолгаңдек осмон.

* * *

Гул муаттар, лек тикан ҳам унга бегона эмас
Севги-ишонч баъзан ёлғон уни четлаб ўтолмас.
Висол или ҳижроннинг ораси яқин жуда,
Лек ҳажрдан ҳамма ҳам чин васлағ етолмас.



Оддий оғир савол

Улрайтирди меҳр-ла онанг,
На ором ва на тин одди.
Балоратта етгунингча то
Сочлари ҳам оқарип қолди.

Мана энди кетиб куч-мадор
Ёрдамингта мухтожу ночор.
Шу ҳөлида қилмай эътибор
Оқибатинг қаён йўқолди?

Бу Ватан

Багри боғу чамандир,
Тупроги зар-маъдандир,
Бу Ватан, бу Ватан.

Ой-қүёши нур сочар,
Дарёлари дур сочар,
Бу Ватан, бу Ватан.

Эли яшар ҳур, озод,
Яйраб ўсар ёш авлод,
Бу Ватан, бу Ватан.

Ардоқлидир, суюқдир,
Келажаги буюқдир,
Бу Ватан, бу Ватан.



Баҳорой

Борлиқقا күрк, нур берган,
Дилларга сурур берган
Қоттан еру тошни ҳам
Үйғотиб, умр берган
Баҳорой, баҳорой.

Дарё сойни мавжлатиб,
Күй-қўшиқни авжлатиб
Дала-даштни гул билан
Безантирган яшнатиб,
Баҳорой, баҳорой.

Қуёши ҳур порлаган,
Ҳар ён пок ғуборлардан,
Узоқдаги қушларни
Тўй-базмга чорлаган,
Баҳорой, баҳорой.



Қувонч

Қүёшнинг ортган нури,
Дилда ҳаёт сурори.
Завқ багишлар ҳаммага
Күшларнинг шод чуғури.

Мисли олов болалар -
Қирдаги ол лолалар.
Борлиқ гардин ювади
Оқ ёмғирлар, жалалар.

Еллар эсар бир майин,
Гулзор қўяр жилмайиб.
Қиқирлаб кулар ирмоқ
Тортиниш не билмайин.

Атроф гўзал, оҳорлик,
Покиза, бегуборлик.
Ҳайратларга тўламиш
Ҳаётимиз баҳорлик.



Ўзбекистоним

Отамнинг ватани, онамнинг ери,
Неча даҳоларни ўстирган эли.
То жоним бор экан куйлайман сени
Мангулик макони шуҳратим, шоним
Ўзимнинг, ўзимнинг Ўзбекистоним!

Темур бобом кезган қутлуг даргоҳим,
Уни ўзинг асра, қодир оллоҳим.
Пойингта бош қўяй эй саждагоҳим
Сенга фидо бўлсин тан ила жоним
Ўзимнинг, ўзимнинг Ўзбекистоним!

Ёвқур Широқдек чин ўғлонларинг бор,
Бобурдек нечалар дийдорингта зор.
Шоҳида мадҳингни куйлагай такрор,
Барча юртлар ичра гўзал бўстоним
Ўзимнинг, ўзимнинг Ўзбекистоним!



Нафрат

Қалбни яраловчи ништарли сүздан,
Яхшилигин миннат қылгувчи дўстдан.
Гўзал аммо ҳаё билмаган юздан
Умрим бўйи нафратланаман.

Вафодан сўзловчи бевафолардан,
Фариштаман деган бехаёлардан.
Ёлғончи, тузалмас бедаволардан
Ҳам сер жафолардан нафратланаман.

Ёмонлик йўлинни туттан нокасдан,
Дарёни қулт этиб юттан баднафсдан.
Димоги осмону назари пастдан
Ҳар дам ор қиласман, нафратланаман.

Яхшиларга тухмат тошин ёғдирган,
Онасин кўздаги ёшин оқтирган.
Ҳатто шайтонни ҳам йўлда қолдирган,
Айёр инсонлардан нафратланаман.

Айбиз инсон йўқ, айбиз-ёлғиз Оллоҳим,
Биламан, менинг ҳам кўпдир гуноҳим.
Сизга оғир ботса узр, бу оҳим,
Нетай ёмонликдан нафратланаман.



Навоийдек бобом бор

Шеъриятнинг мулкида гўзал гул-у бўстон бор,
Фазал-у рубоийлар бўстоним ичра бисёр.
Фазалиёт юртида қуёшдайин жилвакор
Оlamни лол қолдирган Навоийдек бобом бор.

Гўзал Есенин шеъри, Айтматовнинг қиссаси,
Лекин менга хуш ёқар Навоийнинг "Хамса"си.
Туркий тил ривожида бекиёсдир ҳиссаси,
Тилимни тан олдирган Навоийдек бобом бор.



Зулфияхоним

Аёллик пок ифратин,
Чин муҳаббат қудратин.
Вафо ҳижрон қиссасин
Куйлаган энг соз, асл,
Ўзбекистон қизи-у,
Шоира Зулфияси!

Кўклам ва тонг элчиси,
Халқ дардининг куичиси,
Тошқин дилли ҳур қизи -
Шеъриятдир суюнчи -
Ўзбекнинг Зулфияси!

Ҳар сатрида инжулар,
Соф, самимий туйгулар
Севги ҳисси қуюлар
Муҳаббат маъбудаси -
Ўзбекнинг Зулфияси!



Дема

Фақирлар устидан кулиб,
Күнгилларни вайрон қилиб
Диморинг осмонда тугиб
Үзингни сен тояман дема.

Бойларга мол эжсон қилиб,
Қорни түқни меҳмон қилиб
Камбағалдан бетинг буриб,
Саҳоватли зотман дема.

Яхшилардан юз ўтириб,
Нодонни улфатинг билиб.
Тұхмат қилиб, ғийбат қилиб
Бегуноҳу покман дема.

Ота-онантни хор этиб,
Дийдорларингга зор этиб.
Қайларга дарбадар кетиб,
Хизматдаман, борман дема.

Ёмон феълинг тарк айлагил,
Яхшиликни касб айлагил.
Эртант не бўлар, ўйлагил,
Бир кун келиб хорман дема.



Дунё

Баъзан бахтсизликни баҳт деб ишондик,
Саробга алданиб дўстлиқдан тоңдик.
Кўз очтан илонлар ичра уйғондик,
Жуда кеч англадик, ёлғон бу дунё.

Фаним дўстлик учун қадаҳ олганди,
Ичида кин-алам ўтдай ёнганди.
Сенинг қадаҳингта заҳар солгандир –
Пасткашларга тўла ёлғон дунё бу.

Эй дўстим, огоҳ бўл, қолма гафлатда,
Душман тузогига тушма ҳеч вақтда.
Кичик тикани ҳам ханжардек катта
Шундай номардлар бор ёлғон дунё бу.



Хаёт – ўлимга йўл

То тириксан, иймонли бўл,
Садоқатли, вижданли бўл.
Умрингда сарҳисобли бўл
Хаёт асли-ўлимга йўл!

Бойлик излаб сарсон бўлма,
Ёвуликка посбон бўлма.
Сен риёкор, нодон бўлма,
Хақиқатта қалқон бўл!

Умринг бекор сарф этмагин
Эзгуликни тарқ этмагин.
Яхшиликни касб этсанг гар
Очиқ эрур жаннатта йўл!



Ошпоқ қор

Кўзим қамаптирган сен-эй мўъжиза,
Балки, орзуимдан ранг олгандирсан.
Кумуш ҳам олдингда оддий томп холос,
Кумушнинг кўркини сен олгаймисан?

Ошпоқ қор, покиза, бокира эй қор,
Таърифинг қилолмам ёзсамда минг бор
Сендан сўрар яна бир саволим бор:
Умримнинг баҳорин чорлагаймисан?



Онажон

Аллангиз қулогимда доим,
Күнгил ардоримда доим,
Онажон.

Меҳрингиз бошимда офтоб,
Пойингиз айлайин тавоғ,
Онажон.

Сўзингиз ёқимли, хушдир,
Дилларга баҳш этади ҳузур,
Онажон.

Ҳамма сиздай бўлса эди,
Оlam баҳтдан кулса эди,
Онажон.



Сабоқ

Бешикдан қабргача
Илм ўрган демишлар.
Күп билади албатта
Күпни кўрган демишлар.

Камтарга камол бўлар,
Манманга завол бўлар.
Обрў топмас гердайиб
Кўкрак херган демишлар.

Борига кўн, шукр қил,
Ёнга боқиб фикр қил.
Ризқи-рўзни белгилаб
Ўзи берган демишлар.

Ҳар неда бир ибрат бор,
Ҳар неда ишорат бор.
Мақсадга етар, уни
Англаб еттан демишлар.

Шоҳида, ўқи-излан,
Ёруғ мақсадлар кўзла.
Оқила, доно қиздан
Ҳамма хурсанд демишлар.



Ўқсина, эй табиат

Бу кун она табиатнинг,
Кўнгли биздан ғаш бўлди
Одамзоднинг зулмидан
Кўзларига ёш тўлди.

Айбни ўздан кўрарди,
Инсонлардан сўрарди:
"Ахир сизни севардим,
Сизга борим берардим.

Бунча ғам ютмагандим,
Сизлардан кутмагандим.
Наҳотки, менинг айбим –
Бор меҳримни туттаним?

Наҳотки, ўз фарзандим
Энг ашаддий душманим?"
Тиник, покиза сувлар
Кўлмак бўлди қанчалар.

Дов-даражтлар, майсалар,
Гиёҳлар ҳам хасталар
Қушлар ҳам нажот кутиб
Чирқирап бағри куйиб.

Бойлик олиш йўлида,
Кўплаб жанглар қилинди.
Шу кун фарзандларимнинг
Худбинлиги билинди.

Ёвузлик тузовига
Худбин ўзи илинди.
Фидоии фарзандлари
Нафс йўлидан бормади.

Бутун инсониятни
Огохликка чорлади.
Табиат ягонамиз
Жонимиз, дурдонамиз.

Авайлаб, биз асрайлик,
Ахир, у ўз онамиз!
Шунда у авлодларга
Узоқ хизмат қилажак.

Шунда фахрланади
Биздан нурли келажак.
Үксинма, эй табиат
Энди сени асраймиз.

Келажак авлод учун
Гавҳардайин сақлаймиз!



Насиҳат

Сириң сақла дилингда,
Чиқармагин тилингдан.
Сүзинг бўлса кўнглингда
Ўйлаб кейин сўйлагин.

Улур билан беллашма
Нодон билан тенглапшина.
Хаёт яхши деб яша,
Ёмонликка йўймагин.

Ёлғон сўздан йироқ бўл,
Яхшиларга ҳамроҳ бўл.
Одобли бўл, огоҳ бўл,
Келажагинг ўйлагин.



Унитилмас онларим

Гүзал ёшлик бөгүйдә
Мактабим қучоғыда.
Устозим ардоғыда
Үтди шодон күнларим
Үқувчилик дамларим,
Унитилмас онларим.

Қадрдан синфдошларим,
Гүё қариндошларим.
Сизни үйлаб күзимда
Тошар севинч ёшларим.
Үқувчилик дамларим,
Унитилмас онларим.

Шўхлигу қувноқлигим,
Зўр ўйинқароқлигим.
Эртакка ҳамроҳлигим
Оргда қолдилар бари
Үқувчилик йилларим -
Унитилмас онларим.



Санам

Санам сойнинг сувидай,
Саҳардек соғ садафмикин?
Гўзаллигинг гулдек гўё
Гул сен билан адашмикан.

Елкангни тўлдириган сочинг,
Тун-кечага талашмикан.
Қалдирғочдай қора қошинг
Осмон билан туташмикин?

Малак мисоли моҳтобим
Нафис, нозик нигоҳларинг.
Гўзал гулгун дудоқларинг
Фариштага ўхшашмикин?



Отамга

Қадрдоним бу дунёда сендан улуг кимим бор,
Сенинг каби меҳрга ҳам кучга тұлиқ кимим бор?
Хар бир сүзинг ҳикмат менга, ҳар үтитинг-шамчирок,
Улар ила дилим ёруғ, йұлым ойдин ва порлоқ.

Гарчи тақдир-ҳақдир, унда не бор, барин күргайман,
Вале зэгу дуонг бирла саодатли бўлгайман.
Хар қадамда дуоларинг мени қўллаб туради,
Тўғри йўлга, тўғри ишга мудом йўллаб туради.

Сенинг бирла бағрим бутун, бошим осмон бўлгуси,
Айтаверсам мадҳинг битмас узун достон бўлгуси.



Тұртликлар

Севгинг чинми, сақла дилингда,
Чин севги бўлар юракда ишон.
Севгинг дилингдамас, бўлса тилингда,
Бу бўлур ўткинчи ҳавасдан нишон.

* * *

Туғилдим, яшаяпман, ўтмоғим тайин,
Умрим шамдек сўниб борар йиллар сайин.
Шунча ёшим ўтиб кетди ўйиндайин
Энди йиллар армонин кимга айтайнин.

* * *

Тоғнинг чўққисидан талпинган эй бахт,
Сен узоқ жим кетдинг, энди тезроқ қайт.
Менга бир сен керак, ҳожат змас тахт,
Бахт билан бахтлиман ахир ҳамма вақт.



Ёшлигим

Оргда қолди ёшлигим,
Қувноқлик бебошлигим.
Үйинга сирдошлигим,
Шүхлигим, оташлигим.

Софинч ўртар дилимни,
Бурай сенга йўлимни.
Осмони қуёшлигим
Йўли оидия ёшлигим.

Бу дунёнинг коридан,
Гоҳо безиб ҳорисам.
Кўмсагайман покизам,
Оҳ, бекубор ёшлигим.




Ният

Чангу гард, ғаму дардан,
Йироқ юрсин яхшилар.
Нокасу, қув, номардан
Йироқ юрсин яхшилар.

Офат-бало, түхматдан,
Йироқ юрсин яхшилар.
Хам зулмату, зиллатдан,
Йироқ юрсин яхшилар.

Хар қандайин иллатдан,
Йироқ юрсин яхшилар.



Чорлов

Юлдузлардай порланг, орзулар,
Юксакларга чорланг, орзулар.
Күнтилларга илхом солингиз,
Дилларни ёритиб ёғунгиз.

Ойдин бўлсин диллару йўллар,
Эзгу ишда толмасин қўллар.
Шунда олам гулистон бўлгай,
Одам баҳти қуёшдай кулгай.

Мадад

Момолар алласидан,
Боболар ғалабасидан,
Рухланиб ўстган ботир.

Эртаклар осмонидан,
Алпларнинг достонидан,
Кучланиб ўстган ботир.

Ошиқлар қиссасидан,
Олимлар ҳикматидан
Нурланиб ўстган ботир.

Элу-юрт рағбатидан,
Олқишу раҳматидан,
Суурланиб ўстган ботир.



Ватан десант

Ватан десант тилингдан,
Бол томсин, боллар томсин.
Кўксингдаги дилингда
Мехр деган чўр ёнсин.

Ватан десант қўлларинг
Қанотларга айлансин.
Ҳатто оддий сўзларинг
Баётларга айлансин.

Ватан десант, бу бошинг
Осмонларга тегсинлар.
Кўролмаслар, ғанимлар
Бошларини эгсинлар.



МУНДАРИЖА

Барча меҳмон	4
Ватан	4
Илинж	5
Оддий ўгит	5
Соғиндим	6
Гул муаттар	6
Оддий оғир савол	7
Бу Ватан	7
Баҳорой	8
Қувонч	9
Ўзбекистоним	10
Нафрат	11
Навоийдек бобом бор	12
Зулфияхоним	13
Дема	14
Дунё	15
Ҳаёт-ўлимга йўл	16
Оппоқ қор	17
Онажон	18
Сабоқ	19
Ўксинма, эй табиат	20
Насиҳат	22
Унугилмас онларим	23
Санам	24
Отамга	25
Тўртликлар	26
Ёшлигим	27
Ният	28
Чорлов	29
Мадәд	29
Ватан десанг	30

Адабий-бадний нашр

Шоҳида БАҲРОНОВА

ЭЗГУЛИК

шерълар

**Муҳаррир:
Дилшод Ражаб**

**Мусаҳҳих:
З. Мўминова**

**Техник муҳаррир:
У. Ҳайитов**

**Босишга рухсат этилди: 10.08.2007 йил.
Босмахонага топширилди: 31.07.2007 йил.
Бичими: 60x84 / ₁₆. Босма табоги: 2,0.
Адади: 500 нусха. 43-буюртма.**

Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., З. Қобилов кўчаси, 19-уй.**